

# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

№ 15 (1194) 2019 йил 11 апрель

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

@bank\_axborotnomasi

Сайтимизга ўтиш учун QR коддини телефонингиз орқали сканер қилинг



ТАДБИР

## САМАРҚАНДДА ИҚТИДОРЛИ ЁШ БАНК ХОДИМЛАРИ АНИҚЛАНДИ



Анжуманда Марказий банкнинг Самарқанд вилояти Бош бошқармаси томонидан банк тизимидаги истиқболли ёш кадрларни танлаб олиш бўйича "Энг иқтидорли ёш банк ходими" вилоят танловини ўтказиш тўғрисидаги ташаббус илгари сурилиб, мазкур ташаббус ҳамкор

бошқарув органлари ва муассасалар томонидан қўллаб-қувватланди. "Энг иқтидорли ёш банк ходими" вилоят танловини ўтказиш юзасидан Самарқанд вилоят ҳокимлигининг чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб тасдиқланди.

(Давоми 5-саҳифада)

## МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТИ ҚАЧОН КЎПАЯДИ?

Мамлакатда тадбиркорликни ривожлантиришда молиявий хизматлар муҳим аҳамиятга эга. Банк-молия бозори қанча ривож топса, тадбиркорлик ҳам шу қадар тараққий топади. Бу – оддий ҳақиқат.

Жаҳон таърибаси шуни кўрсатадики, тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашда микрокредит ташкилотлари муҳим ўрин тутади. Чунки бундай ташкилотлар кредитлашда бюрократиянинг камлиги, мижоз билан ишлашда тезкорлиги босис тадбиркорлар учун анча қулай ҳисобланади.

Хўш, мамлакатимизда микрокредит ташкилотларининг ривожига қандай аҳволда?

Афсуски, бу саволга ижобий жавоб беришимиз мушкул.

Мамлакатимизда Марказий банк томонидан атиги 37 та микрокредит ташкилотига лицензия берилган. Уларнинг кредит портфели 38,6 миллион АҚШ долларини ташкил этади ҳолос.

Қозоғистонда – 157 та (кредит портфели 599,5 млн. АҚШ

доллари), Қирғизистонда – 134 та (кредит портфели 228,4 млн. АҚШ доллари), Озарбайжонда – 104 та (кредит портфели 230,6 млн. АҚШ доллари), Россияда – 1 955 та (кредит портфели 984,3 млн. АҚШ долларидан зиёд) микрокредит ташкилотлари фаолият кўрсатади.

### БУНДАЙ ВАЗИЯТНИНГ САБАБИ НИМАДА?

Тадбиркорларимиз микрокредит ташкилоти очишни исташмайдими ёки микрокредит ташкилотлари хизматига эҳтиёж мавжуд эмасми? Униси ҳам, буниси ҳам эмас. Чунки, тадбиркорлар билан мулоқот қилсангиз, ушбу фаолиятга қизиқиш ҳам, талаб ҳам юқори эканини англайсиз.

Унда муаммо нимада? Бизнингча, муаммо микрокредит

ташкилотларини тузиш учун қўйилган талаблар ва бундай ташкилотлар фаолиятининг ҳаддан зиёд тартибга солинишидадир.

### БУ НИМАЛАРДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА?

Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш мураккаб жараёнга айланган. Касса хоналарининг техник жиҳатдан мустаҳкамлиги, қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализация воситалари билан жиҳозланиши, бухгалтерия ҳисобининг юритилишини таъминловчи дастурий таъминот ва ахборот тармоғига уланиш ҳамда ушбу ҳолатларни ваколатли идоралар тасдиқлаши, ҳужжатларни кўриб чиқиш учун тўлов талаби, уларни кўриб чиқиш мuddатининг узунлиги шулар жумласидан.

(Давоми 3-саҳифада)

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

## САЙЁР ҚАБУЛЛАР

Марказий банк раиси ўринбосарлари, таркибий бўлимида ходимлари, ҳудудий Бош бошқарма бошлиқлари ва тижорат банклари вакилларида иборат ишчи гуруҳ иштирокида Қашқадарё, Сурхондарё ва Навоий вилоятларида Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни талаблари асосида жисмоний ва юридик шахслар вакиллари учун сайёр қабуллар ўтказилди.

Сайёр қабул давомида асосий эътибор, аҳолининг банк тизими юзасидан мурожаатларини қонуний ҳал қилиш, банк тизимида мавжуд камчиликларни аниқлаш, юқори идораларга қайта-қайта мурожаат қилаётган фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини ҳал этиш, аҳолининг розилигини таъминлаш, фуқароларнинг банк тизимига бўлган ишон-



чини янада мустаҳкамлаш, мурожаатларни ҳолис ва тез-таъминлаш, фуқароларнинг қўриб чиқиш масалаларига қаратилди.

## ОБЛИГАЦИЯЛАРДАН ТУШГАН МАБЛАҒ НИМАГА САРФЛАНАДИ?

Адлия вазирлиги "Ҳуқуқий ахборот" каналининг маълумот беришича, 2019 йил февралда жаҳон молия бозорларида Ўзбекистоннинг бир миллиард доллар миқдоридоги беш ва 10 йиллик суверен халқаро облигациялари жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисидаги Президент қарори билан маблағлар мамлакат ва халқ фаровонлигини янада ошириш, стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида тегишли фоизлар билан қайтариш шартларида қуйидагиларга йўналтирилади:

- 889,2 миллион доллар аукцион орқали тижорат банкларининг депозитларига жойлаштирилади;
- 20 миллион доллар "Агробанк" АТБга қарз сифатида берилади;
- 89,9 миллион доллар "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонасига ссуда сифатида берилади.

## "ИПАК ЙЎЛИ" БАНКИ ИСЛОМ КОРПОРАЦИЯСИ БИЛАН МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАДИ

Ислом шариатида кўра молиялаштириш ва молиявий хизматлар бозорини ривожлантириш мақсадида "Ипак йўли" акциядорлик инновация тижорат банки яқинда Марокашда бўлиб ўтган Ислом тараққиёт банкнинг 44-йиллик йиғилишида иштирок этди.

Тадбир давомида "Ипак йўли" банки ҳамда Хусусий секторни ривожлантириш Ислом корпорацияси ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик тўғрисида меморандум имзоланди. Ушбу ҳужжат кредит йўналишида глобал шериклик платформасида стратегик ҳамкорликни ўрнатишни кўзда тутади. Шунингдек, ҳужжат икки томон қизиқишлари асосида маблағ, активларни бошқариш, инвести-



ция келишувлари ва бошқа жараёнларни ўз ичига қамрайди.

## УШБУ СОНДА

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИДА ШАФФОФЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА

"НИ ТЕСН БАНК"ДА МАЗМУНЛИ СЕМИНАР-ТРЕНИНГ



КУЙЛАГАНДА БАХШИЛАР, БАҲРА ОЛАР ЯХШИЛАР



## VISA КАРТАЛАРИ ЭКВАЙРИНГИ UZCARD ТЕРМИНАЛ ТАРМОҒИ ОРҚАЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ягона умумреспублика процессинг маркази ҳамда Visa халқаро тўлов тизими иштирокида "Uzcard терминал тармоғида Visa карталарининг эквайрингини ташкил этиш" лойиҳаси муваффақиятли якунига етказилди. Унга кўра, "Капиталбанк"нинг POS ва ATM терминаллари Visa халқаро карталарига хизмат кўрсатишга тайёрланди.

Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган қолган барча банклар Visa томонидан белгиланган мажбур тартиб-қоидалар бажарилганидан сўнг, Visa карталари эквайрингини Uzcard терминал тармоғида йўлга қўйишлари мумкин. Бунинг учун белгиланган тартиб-қоидалар амалга оширилганидан сўнг, банк томонидан савдо-хизмат кўрсатиш ташкилотларига Visa карталари қабул қилиниши учун хизмат кўрсатилади. Visa халқаро карталарининг маҳаллий терминал тармоғида қабул қилишдаги комиссия тўловлар ҳар бир банк томонидан мустақил равишда белгиланади.

– Ўзбекистонда савдо-хизмат ташкилотлари учун Visa карталарига хизмат кўрсатиш имконияти амалга оширилганидан хурсандмиз. Ушбу ташаббускорлик бутун мамлакатда нақдсиз иқтисодга ўтиш жараёнини тезлаштиришга туртки бўлади. Мамлакатда нақдсиз тўловлар ҳамда Ўзбекистон тўлов тизими ривожланишига асос яратувчи муҳим пайдо бўлиши муҳим, – дейди Марказий Осие мамлакатлари Visa халқаро тизимининг Бош менежери Галим Табилдиев.

Visa халқаро тўлов тизимининг асосий талаблари қаторида PCI DSS, PCI PIN Security ва Visa PIN Security стандартларига мувофиқлик тасдиғига эга бўлиш ҳисобланади. Жумладан, Uzcard компанияси ушбу сертификациялардан муваффақиятли ўтгани маҳаллий терминаллар тармоғида Visa халқаро карталари ёрдамида тўловларни амалга оширишга асос яратиб берди.


POS-терминаллар Visa карталарини қабул қилишлари учун савдо-хизмат ташкилотлари эгалари хизмат кўрсатилаётган банкка мурожаат этишлари мумкин.

finance.uz

## СТАТИСТИКА

## БАНКЛАР РЕНТАБЕЛЛИГИ

2018 йил якуни бўйича банк тизими жами активлар рентабеллиги 2,0 фоизни, шундан давлат улуши мавжуд банкларда 1,6 фоизни ва бошқа банкларда 4,3 фоизни ташкил этди. Банк тизими капитал рентабеллиги кўрсаткичи 16,2 фоизни, шундан давлат банкларида 13,1 фоизни ва бошқа банкларда 30,3 фоизни ташкил этди. Давлат улушига эга банкларда активлар ва капитал рентабеллиги кўрсаткичларида ўсиш, бошқа банкларда пасайиш кузатилади.



2019 йилнинг I чорагида банклардаги аҳоли омонатлари ҳажми 8,1 фоизга ошиб, 15 891 млрд. сўмни ташкил этди. Шу жумладан, миллий валютадаги омонатлар 10,3 фоизга ўсиб, уларнинг жами омонатлардаги улуши 62 фоизгача кўтарилди. Шу билан бирга, хорижий валютадаги омонатлар қолдиғи 4,7 фоизга ошган бўлса-да, уларнинг жами омонатлардаги улуши 39 фоиздан 38 фоизгача камайди.

cbu.uz

## ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИДА ШАФФОФЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон Республикаси товар-хон ашё биржаси" АЖ ва Молия вазирлиги томонидан "Давлат харидлари тизимида шаффофликни таъминлаш ва рақобатни кучайтириш" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Тадбир давлат харидлари соҳасида эришилган натижалар ва сўнгги ўзгаришларга бағишланди.



Маълумки, давлат харидлари бўйича [xarid.uz](http://xarid.uz) махсус ахборот порталининг ишга тушган даврдан бошлаб давлат харидлари соҳасидаги очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, бюджет ташкилотлари ва давлат улуши бўлган корхоналар маблағидан самарали фойдаланиш, шунингдек, бу соҳада рақобатни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича ижобий натижаларга эришилди. Жумладан, "УэРТХБ" АЖ оператори ҳисобланган [xarid.uz](http://xarid.uz) порталида давлат харидларига оид барча муҳим маълумотлар чоп этилиб, давлат ва корпоратив буюртмачилар учун бошланғич нархни пасайтириб бориш механизми асосидаги электрон дўкон ва аукцион шаклида давлат харидлари ўтказиб келинмоқда.

– Электрон давлат харидларининг янги тизими ва электрон рақамли имзо ва тузилган битимлар ижросини Ҳисоб-китоб клиринг палатаси (ҲКП) орқали кафолатлаш механизми муваффақиятли жорий этилди, – дейди Ҳисоб-китоб клиринг палатаси бўлими бошлигининг ўринбосари

Жалолиддин Қўшнараров. – Ҳозирги пайтда электрон тизимда 60 мингдан зиёд буюртмачилар ва етказиб берувчилар рўйхатдан ўтган. Рўйхатдан ўтган иштирокчиларнинг аксарият қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади. Давлат харидлари бўйича ўтказилаётган электрон савдолар давомида ҳар бир талабномага ўртача 5 та таклиф келиб тушмоқда. Бу, ўз навбатида, соҳада рақобат муҳити шаклланишидан далолат беради.

Маълумотларга кўра, умуман олганда янги тизим ишга тушгандан буён умумий қиймати 2,5 трлн сўмлик битимлар тузилган. Бюджет ва корпоратив буюртмачилар маблағларини тежаш ҳажми эса 422,8 млрд сўмни ташкил қилди. Давлат харидлари бўйича 2018 йилда тузилган битимларнинг ижро этиш даражаси эса 95%га етди.

2019 йил I чорак якунига кўра [xarid.uz](http://xarid.uz) порталида умумий қиймати 578,1 млрд сўмга тенг 122 мингдан зиёд шартнома тузилди. Хусусан, бюджет буюртмачилари 201,4 млрд сўмга тенг 73 мингта битим, корпоратив буюртмачилар эса қиймати 376,7 млрд сўмга тенг 49 мингта битим имзоландилар. Яъни, электрон дўконда 175,2 млрд сўмлик,



электрон аукционда эса 402,9 млрд сўмлик шартномалар имзоланган. Мазкур битимлар орасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши 95% дан ортиқни ташкил қилади.

Кўриб чиқилаётган давр мобайнида бюджет ва корпоратив буюртмачиларнинг 102,8 млрд сўмлик маблағи иқтисод қилинди. Жумладан, электрон дўкон орқали иқтисод қилинган маблағ қиймати 22,8 млрд сўмни, электрон аукцион орқали тежалган маблағ қиймати эса 80,0 млрд сўмни ташкил қилди.

Худудий кўрсаткичларга кўра, давлат харидлари бўйича тузилган битимларнинг аксарият қисми, яъни 46% Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида тузилган. Бу борада кейинги қатордан Навоий вилояти жой олди. Худуднинг улуши 15%га тенг. Фарғона вилояти 7%, Хоразм вилояти 5% улушга эга

бўлди. Бошқа ҳудудларнинг улуши 2-4% атрофида.

Қўшимча тариқасида таъкидлаш керакки, биржа мутахассислари томонидан буюртмачилар ва етказиб берувчилар ўртасида уларнинг давлат харидларида иштироки бўйича сўровнома ўтказилди ва унинг натижасида миқдорларга тегишли шахсий кабинет имкониятларини янада мукамаллаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, шахсий кабинетда "Шартномани бекор қилиш" функцияси киритилди. Бу орқали иштирокчилар ўзаро келишиб, жарима қўлланилмаган ҳолда тузилган шартномани бекор қилишлари мумкин. Бундан ташқари, савдо иштирокчилари шахсий кабинет орқали ўз реквизитлари, танлов ва тендер натижаларига ўзгартиришлар киритиш имкониятига эга бўлдилар.

Бобур МУҲАММАДИЕВ

### МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТИ ҚАЧОН КЎПАЯДИ?

(Бошланиши 1-саҳифада)

Бу каби шартларни бажариш кўп вақт, харажат ва сарсонгарчилик келтириб чиқариши боис, ҳамма ҳам лицензия олишга шошилмайди. Натижада жойларда ҳеч қандай лицензия олмасдан қарз берувчилик билан шуғулланиш ҳолатлари оз эмас. Бунинг оқибатида на банкда пул айланмоқда, на солиқ тўланмоқда.

Мисол учун, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Грузия каби давлатларда микромолиявий хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш талаб этилмайди, мутасадди орган томонидан фақатгина рўйхатга олиш орқали соддалаштирилган тартиб қўлланади.

Бугунги кунда Марказий банкнинг 2011 йил 10 апрелдаги тегишли қарорига асосан тижорат банклари фаолиятини йиллик текширувдан ўтказилиши бекор қилинганлигига қарамаддан микрокредит ташкилотлари фаолиятига нисбатан йиллик текширув каби ортиқча бюрократик тўсиқ сақланиб қолмоқда.

Микрокредит ташкилотлари томонидан ажратилаётган микроқарзнинг белгиланган энг кўп миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробаридан (2 минг 416 АҚШ доллари) ошмаслиги талаби ажратилаётган кредит ҳажминини ва улардан фойдаланиш даражасини оширишга имкон берадими. Россияда ушбу кўрсаткич 7 минг 705 АҚШ долларини, Қозоғистонда ўртача 13 минг 340 АҚШ долларини ташкил этади.

Молиявий ресурсларни жалб қилишнинг мавжуд механизми мураккаб бўлиб, инвесторлардан қўшимча қарз маблағларини жалб этишга тўсиқлик қилмоқда. Марказий банкнинг 2006 йил 7 октябрдаги тегишли қарорига асосан, микрокредит ташкилоти томонидан жалб этиладиган жами маблағлар ҳажми амалда шакллантирилган устав фонди миқдоридан ошмаслиги керак. Қирғизистонда микрокредит ташкилоти устав капиталига нисбатан 5 баробардан ортиқ маблағ жалб қилиши мумкин, Россияда эса қўшимча қарз маблағларини жалб этишга чеклов ўрнатилмаган.

Микрокредит ташкилотидан қарз олишда даромадлар тўғрисидаги маълумотномани мажбурий тақдим этиш тартиби белгилангани ижобий кредит тарихига эга потенциал қарз олувчиларга (шу билан бирга, ишсиз ва ўзини ўзи иш билан таъминлаётган шахслар, уюшмаган ёшлар) микромолиявий хизматлардан фойдаланишга тўсиқлик қилмоқда.

Қарздорнинг мажбуриятларини бажариш учун мурожаат қилган учинчи шахс томонидан амалга оширилаётган тўлов суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробар ҳажмидан ошган тақдирда, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни мажбурий тақдим этиш тартиби ўрнатилганлиги кредит бўйича қарздорликни ўз вақтида тўлашга тўсиқ яратмоқда ва муаммолар кредитлар сонининг кўпайишига олиб келмоқда. Мазкур тартиб Марказий банк ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиянатларга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 23 майдаги қарорига асосан тижорат банклари амалиётида бекор қилинган.

Молиявий хизматлар кўрсатувчи кичик корхоналар учун белгиланган ходимларнинг сони 25 нафар билан чеклангани микрокредит ташкилотларининг филиал тармоғини ривожлантиришга ва янги иш ўринларини яратишга тўсиқлик қилмоқда.

**Бу каби муаммоларни бартараф этиш учун куйидагиларни тақдим этиш:**

- микрокредит ташкилотларини очиш учун лицензия талабини бекор қилиш ва ваколатли орган томонидан рўйхатга олинишининг соддалаштирилган тартиб-таъминлини жорий этиш;
- нобанк кредит ташкилотларининг йиллик режалари текширувларини бекор қилиш;
- молиявий хизматлар кўрсатувчи кичик корхоналар ходимларининг максимал сонини 100 киши этиб белгилаш ва филиал тармоғини йўлга қўйишга шароит яратиш;
- кредит ташкилотлари томонидан ажратилаётган микроқарз ҳажмининг умумий миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баробарига оширish;
- микрокредит ташкилотларининг жалб этилган қўшимча қарз маблағларининг умумий миқдорини уларнинг устав капиталга 10 баробари миқдорига оширish;
- микрокредит ташкилотларига ижобий кредит тарихига эга бўлган қарз олувчилар учун кредит ажратилишида даромадлар тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишни мустақил равишда белгилаш ҳуқуқини тақдим этиш;
- микрокредит ташкилотлари томонидан қарздорлик мажбуриятларини амалга ошириш учун қарздор ва учинчи шахслардан ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши талабини бекор қилиш.

Ўйлаймизки, ушбу тақлифларнинг амалга оширилиши тадбиркорликни молиялаш учун қўшимча имкониятларни яратади, ноқонуний қарз бериш фаолиятини қонунийлаштиришга ва солиқ тушумларининг кўпайишига олиб келади.

**Олимхон АЛИҚОРИЕВ,**  
Иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент  
**Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ,**  
ҳуқуқшунос  
УзА

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

**Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида  
2019 йил 20 февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан  
1948-17-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон "Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий бан-

ки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сон қарори (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 18-сон, 229-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Марказий банк раиси**  
Тошкент ш.,  
2019 йил 16 февраль,  
3/4-сон

**М. НУРМУРАТОВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг  
2019 йил 16 февралдаги 3/4-сон қарорига  
ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар

1. 2-бандда:

биринчи хатбошидаги "банк ҳисобварақларини" деган сўзлар "ҳисобварақларни" деган сўз билан алмаштирилсин;

"Г" кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилсин; саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. 3-банддан " , ссуда" деган сўз чиқариб ташлансин.

3. 8-банднинг иккинчи хатбошисидаги "резидент жисмоний шахслардан иборат бўлган юридик шахсини" деган сўзлар "Ўзбекистон Республикаси резидент бўлган юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларни" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 81-банддаги "легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга" деган сўзлар "легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 82-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

"82. Банклар Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳнинг (ФАТФ) талабларидан келиб чиқиб, ариза берувчиларни масофадан туриб идентификация қилиш учун зарур бўлган шарт-шароитлар мавжуд бўлганда таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахсларга ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларга уларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида миллий ва чет эл валютасидаги банк ҳисобварақларини масофадан туриб очиши мумкин.

Банк ҳисобварақини очиш тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизимида жойлаштирилган банк ҳисобварағи шартнома офертасини акцептлаш йўли билан амалга оширилади.

Мазкур юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўловлар ушбу Йўриқноманинг 3-илоvasига мувофиқ шаклда имзолар намуналарини қўйилган икки дона варақча ҳамда улар номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки уни ўрнини босадиган ҳужжат) тақдим этилгандан сўнг, амалга оширилиши мумкин. Шахсини тасдиқловчи ҳужжатдан нусха олиниб, асли қайтариб берилди."

6. 10-банднинг иккинчи хатбошисидан "иқтисодий ҳисобварақлар очилганлиги тўғрисидаги асосий ҳисобварақини очган банкка юборган хабарнинг нусхаси," деган сўзлар чиқариб ташлансин.

7. 11-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

"11. Банкларда мазкур Йўриқноманинг 1-илоvasида келтирилган шаклга мувофиқ, мижозларнинг ҳисобварақларини рўйхатга олиш китоби юритилади. Ушбу китоб электрон шаклда юритилади."

8. 12, 13, 14, 16 ва 28-бандларнинг "а" кичик бандларидан "мазкур Йўриқноманинг 2-илоvasида келтирилган шаклга мувофиқ" деган сўзлар чиқариб ташлансин.

9. 17-банднинг биринчи хатбошисидаги "мазкур Йўриқноманинг 5-илоvasида келтирилган шаклга мувофиқ" деган сўзлар чиқариб ташлансин.

10. 18-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

"18. Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан асосий ҳисобвараққа хизмат кўрсатувчи банкда иқтисоди, жамғарма ва муддатли депозит ҳисобварақларини очиш учун ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза тақдим қилинади. Мазкур ариза электрон шаклда ҳам тақдим этилиши мумкин."

11. 19-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

12. 22-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

13. 31-бандда:

"а" кичик бандидан "(2-илова)" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

"в" кичик банддаги "легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга" деган сўзлар "легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 44-бандда:

биринчи хатбошидаги "Далолатнома банк бошқарувчиси ва бош бухгалтерини томонидан имзолашиб, асосий муҳр қўйилади" деган сўзлар "Далолатнома банк ваколатли ходимларининг имзолари ва банк муҳри қўйилади" деган сўзлар билан алмаштирилсин; учинчи хатбошидаги "тасдиқлаб, банк бошқарувчиси ва бош бухгалтерини томонидан имзолашиб, асосий муҳр қўйилади" деган сўзлар "тасдиқлаш учун банк ваколатли ходимларининг имзолари ва банк муҳри қўйилади" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. 45-банддаги "банк бошқарувчиси ва бош бухгалтерини" деган сўзлар "банкнинг ваколатли ходимлари" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага 2 ва 5-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага 3 ва 3а-иловалардаги "Бухгалтери ҳисоби ва молиявий бошқаруш вазифаларини амалга оширувчи шахс" деган сўзлар "Банкнинг ваколатли ходими" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага 4-иловадаги "Банкнинг бош бухгалтерини ёки унинг уринбосарини" деган сўзлар "Банкнинг ваколатли ходими" деган сўзлар билан алмаштирилсин.


## САМАРҚАНДДА ИҚТИДОРЛИ ЁШ БАНК ХОДИМЛАРИ АНИҚЛАНДИ



(Бошланиши 1-саҳифада)

Танлов Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Марказий банк Самарқанд вилояти Бош бошқармаси, вилоятдаги 18 та тижорат банклари, "Ёшлар иттифоқи" Самарқанд вилоят кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди.

"Энг иқтидорли ёш банк ходими" кўрик-танловини ўтказишдан кўзланган мақсад банк тизимидаги етакчилик фазилатига эга, истиқболли ёш кадрларнинг тизимли асосда танлаб олинишини таъминлаш, шунингдек, уларнинг касбий малакасини ошириб боришга қўмаклашиш ва уларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир.



Маъмур танлов тўрт bosқичда бўлиб ўтди. Ички саралаш bosқичида Марказий банк вилоят бошқармаси ҳамда вилоятдаги 18 та тижорат банклари ўз тизимида фаолият кўрсатаётган 30 ёшгача бўлган ҳар томонлама иқтидорли ва фаол ходимлар ўртасида ички саралаш синовлари ўтказиб, уларда жами 242 нафар номзодлар қатнашди ҳамда 88 нафар ёш ходимлар кейинги bosқич учун саралаб олинди.

Онлайн тест синовни bosқичида 88 нафар номзоднинг интеллектуал салоҳияти (IQ даражаси), тизимли фикрлаш даражаси, ақлий қобилияти, маълумотларни тизимли таҳлил қила олиши, мантиқий фикрлаш қобилияти, зуққолиги, мавжуд ечимлар орасидан мақбул ечимларни аниқлай олиш қобилияти ҳамда чет тилларидан бири (инглиз, француз, немис)ни билиш даражасини баҳолашга қаратилган онлайн тест синовидан ўтказилди. Жами 48 нафар янада иқтидорлироқ ёш ходимлар кейинги bosқич учун саралаб олинди.

2-онлайн тест синовида 48 нафар номзоднинг мамлакатимиздаги сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-

моҳиятини "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси" асосида тўғри таҳлил қилиш қобилияти ҳамда касбий (иқтисодий, банк иши, инвестиция, бизнес ва бошқа иқтисодий соҳалар бўйича) билими даражасини баҳолашга қаратилган онлайн тест синовидан ўтказилди. Марказий банк ҳамда тижорат банкларидан жами 19 нафар зуққо ва билимли ёш ходим финал bosқичи учун йўлланмани қўлга киритди.

"Энг иқтидорли ёш банк ходими" кўрик-танловининг финал bosқичи 6 апрель куни Самарқанд шаҳридаги муҳташам "Ёшлар маркази" биносида маданий-маърифий байрам шоуси тарзида бўлиб ўтди.

Танловнинг финал bosқичида иштирокчилар банк тизимида оид меъёрий ҳужжатлар бўйича савол-жавоб, тизимли мантиқий матн тузиб ёзиш ва эркин мавзуда ўзаро бешлашди.

Финал якунида: 3-ўринни Халқ банки ходими Илҳомжон Ниёзов, "Ориент финанс" банк ходими Насиба Ризаева, "Микрокредитбанк" ходими Феруза Якубжанова; фахрли 2-ўрин: "Ипак йўли банк"и ходими Зафар Нармурадов, Асака банк ходими Темур Раҳмонқулов; 1-ўрин: Марказий банк ходими Бехруз Худоёров, танлов Гран-присини: "Азия альянс банк" ходими Жаҳонгир Дўсбеков қўлга киритди.

Ғолиб, совриндор ва барча қатнашчиларга диплом, эсдалик совғалари ҳамда "Темур тузуқлари", "Қобуснома", "Конфуций ўғитлари" ва бошқа китобларни ўзида жамлаган китоблар тўплами берилди.

"Энг иқтидорли ёш банк ходими" кўрик-танлови лойиҳаси финал билан якун топмади...

– Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва Марказий банк ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги келишув асосида финалнинг барча 19 нафар иштирокчилари академиянинг жорий йилнинг 22 апрелида бошланган "Бошқарув маҳорати" ва "Инновацион бошқарув" курсларида малака оширишди;

– "Энг иқтидорли ёш банк ходими" кўрик-танлови низомига асосан финал bosқичининг 19 нафар иштирокчилари кадрлар захирасига киритилиб, иш фаолиятида кейинчалик уларни хизмат бўйича кўтариш юзасидан чора-тадбирлар кўрилади.

Бу каби тадбирларнинг ўтказилишидан мақсад эса "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун, "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" ҳамда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим мақсад ва вазифаларга эришишдир.

**Шерзод СУВОНҚУЛОВ,**  
Марказий банкнинг Самарқанд вилояти Бош бошқармаси бўлим бошлиғи

Мамлакатимизда молия муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, хусусан, жаҳоннинг илғор тажрибаларини банк тизимида жорий этиш мақсадида халқаро молия институтлари, таълим муассасалари билан ҳамкорликда малакали мутахассис ва экспертларни жалб қилган ҳолда, банк ходимларининг малакасини оширишга қаратилган турли ўқув курслари ва семинар-тренинглар ташкил этилмоқда.

## "HI TECH BANK"ДА МАЗМУНЛИ СЕМИНАР-ТРЕНИНГ



Айниқса, бу ўқув-семинарларининг дам олиш масканларида ташкил этилаётгани унинг янада мазмунли ўтишига хизмат қилаёттир.

Жумладан, яқинда "Hi Tech Bank" ХАТБ хусусий акциядорлик тижорат банки томонидан Бўстонлик дам олиш масканида ёш кадрларнинг билим ва малакаси ҳамда иш унумдорлигини ошириш мақсадида уч кунлик семинар-тренинг ўтказилди. Унда банкнинг етуқ, тажрибали мутахассислари ёш кадрларга нотиклик, нутқ одоби, раҳбарлик лавозимида ташкилотчилик, мантиқий фикрлаш мавзулари бўйича ўз билимлари билан ўртоқлашди. Шу билан бирга тренингда турли амалий машғулотлар, қизиқарли интерактив ўйинлар ҳам ташкил этилди. Бу эса ўз навбатида, ўқув жараёнларининг янада жонли ўтишига хизмат қилди.



– Бу каби тренингларни кўпроқ ташкил этишга ҳаракат қиляпмиз, – дейди банк бошқаруви раиси Барҳаётжон Сатторов. – Чунки охириги йилларда республикаимиз банк тизими тез суръатларда ривожланиб, тижорат банклари ўртасида соф рақобат муҳити шаклланимоқда. Бу жараёнда эса ҳар бир банк рақобатда ўзиб кетишга ҳаракат қилиб, халқаро тажрибаларни амалиётга жорий этаёттир. Мана шу муҳитда молия муассасасининг эртанги кунини ёш кадрларнинг билим ва малакасига боғлиқдир. Шу боис, тизимимизда фаолият юритаётган ҳар бир ходимни имкон борида мана шундай ўқув-семинарларига жалб қилиб, малакасини оширяпмиз. Қолаверса, бу тренингларни фақат банк идораларида эмас, балки дам олиш масканларида ташкил этишга интиляпмиз. Бу эса кадрларимизнинг ҳам дам олиши, ҳам малакаси оширишига, ҳам вақтининг мазмунли ўтишига хизмат қилмоқда.

Қайд этиш жоизки, баҳорнинг баҳаво кунлари Бўстонлик дам олиш масканида бўлиб ўтган маъмур семинар барча иштирокчилар учун катта таассуротларга бой тарзда ўтди.

Умида ХУДАЙБЕРГАНОВА

### БУЮК МАҚСАДЛАРИМИЗГА ЭРИШИШНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.



Бунда, ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари асосий ўрин тутди.

Ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янгича бир тизимда йўлга қўйиш илгари сурилган беш ташаббуснинг тўртинчиси

– бу ёшлар маънавиятини юксалтиришдаги энг асосий муҳим бир воситалардан бири бўлган китобхонликни кенг тарғиб қилишга йўналтирилган. Ушбу 5 ташаббус Марказий банк жамоаси томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Ушбу эзгу гоёларни амалга оширишда Марказий банк раҳбарияти бошчилигида Кадрлар билан ишлаш департаментининг ўқув бўлими томонидан бир қанча ташкилий ишлар белгилаб олинди. Бунда Марказий банк тизими ва унинг барча ҳудудий бошқармаларида ёш мутахассисларни китоб муталаа-

сига бўлган қизиқишларини янада ошириш учун “ОЛИМ БЎЛСАНГ – ОЛАМ СЕНИКИ” ҳамда “КИТОБ ЎҚИГАННИНГ – ОДОБИ ВА АХЛОҚИ ГЎЗАЛ” мавзусида ёш банкирлар ўртасида тренинг-семинарлар ва давра суҳбатлари ташкил этилади.

Сир эмас, бугунги кунда банк ходимларини замонавий, етук эксперт даражасида иш юритишлари учун ўз билим ва кўникмаларини оширишда китобнинг ўрни беқиёсдир.

Шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда банк ахборот тизимидаги янгиликлардан хабардор бўлиб бориш, уларни иш фаолиятига татбиқ этиш олим ва эксперт-таҳлилчилар ҳамда етук иқтисодчиларнинг илмий ишланмалари билан

мунтазам танишиб бориш, ходимлар интеллектуал салоҳиятини ошириш табиий жараён.

Бинобарин, белгиланган чора-тадбирларга Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари ва тизимга тегишли муассасалардаги мавжуд кутубхоналар иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, бадиий ва чет эл адабиётлари билан бойитилади. Мавжуд адабиётларнинг электрон шакли яратилади ва ходимлар исталган жойдан адабиётлар билан танишиш имкониятига эга бўлади.

**Малоқат МУҲАМЕДОВА,**  
Марказий банкнинг  
Кадрлар билан ишлаш  
Департаменти ўқув  
бўлими бош мутахассиси

Буюк адабиёт намоёндалари китобга тафаккурнинг толмас қаноти, деб таъриф берганларида, у инсон маънавий оламиини бойитишни назарда тутганлар. Китоб Вантанга муҳаббат, юртга садоқат, одамларга меҳр-оқибат туйғуларини камол топтиришнинг энг яхши воситаси сифатида қадрланади.

### СОДИҚ ДЎСТ ВА БАРКАМОЛЛИК ЙЎЛБОШЧИСИ



Мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш йўналишида кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Зеро, “Китоб бизни ердан кўкка кўтарадиган, баркамоллик сари етаклайдиган, қалбга ёруғлик бахш этадиган, оқ билан қора, яхшилик билан ёмонликни фарқлашга ўргатадиган инсониятнинг энг ноёб кашфиётидир”, дейди давлатимиз раҳбари.

Бугунги кунда халқимиз орасида китобхонлик маданиятини юксалтириш, айниқса, ёш авлод тарбиясида бебаҳо адабий меросимиздан самарали фойдаланиш муҳим воқеликка айланган бир пайтда “Ўзсаноатқурилишбанк” раҳбарияти ҳам ушбу хайрли ишларга эш бўлмоқда.

Яқинда Банк Бошқаруви раиси Азиз Воитов бошчилигида Сирдарё туманидаги таълим даргоҳига туркум китоблар туҳфа этилган бўлса, 5 апрель кuni ушбу аъёна Тошкент шаҳри Сергели туманидаги 300-умумтаълим мактабига давом эттирилди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” Бошқаруви раиси ўзи таҳсил олган мазкур мактабда ўқувчилар билан суҳбатлашар экан, китоб билан дўстлашиб, киши дунёни англашни, аτροφ-муҳитдаги воқеа-ҳодисаларга онгли ёндашиб, мустақил ҳаётда тўғри йўл топган ҳолда бахту саодатга эришишни таъкидлади. “Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимиз ҳам айнан китоблар муталааси билан ақлу шуурини чархлаб, комил инсон бўлиб етишган”, деди Банк раҳбари суҳбат якунида.

finance.uz

### МАРКАЗИЙ БАНК ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАЛАРИДА

## КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 19 март кuni ўтказилган ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизини 14 дан 30 ёшгача бўлган хотин-қизлар ташкил этиши, уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун кенг шароит яратилганига алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича бешта муҳим ташаббусидан бирида – ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш гоёси илгари сурилган.

Президентимизнинг айниқса, навқирон авлод маънавиятини юксалтириш масаласига тўхталиб, “Ҳар бир раҳбар ўзининг шахсий кутубхонасидан ўзи таълим олган мактаб кутубхонасига китоблар совға қилса, бу яхши ташаббус бўлиб, китобхонликни ривожлантириш билан фарзандларимиз тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади”, дея таъкидлаганлари барча раҳбарлар каби Наманган вилоят банклари раҳбарларини ҳам бефарқ қолдирмади. Тижорат банклари мутасаддилари томонидан бу борада бир қатор амалий ишлар қилинди.

Қолаверса, банкларда тизимли равишда ўтказиладиган касб-иқтисодий ўқув машғулотларида ҳам ёшлар бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш мақсадида китобхонликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки ёшларимизнинг баркамол, етук бўлиб етишишида китобнинг ўрни беқиёслиги барча маълум.

Шунингдек, мазкур ўқув машғулотларида Президентимизнинг вилоятимизга сўнгги таърифлари ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўламлигини қамраб олган тавсиялари асосида амалга оширилётган ишлар, айнан ёшлар таълим-тарбияси, хусусан, китобхонлик маданиятини юксалтириш борасидаги фаолиятнинг мазмун-моҳияти хусусида ҳам қўлаб

дитлар олиш, банк омонати ҳамда пластик карточка масалалари бўйича мурожаат қилишмоқда. Уларга бу борада зарур амалий тавсиялар, маслаҳатлар бериб борилмоқда.

Айтиш лозимки, Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги “Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4231-сонли қарори ҳамда 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3777-сонли



мулоҳазалар тилга олинмоқда. Шу билан бирга китобхонлик ва интернетдан фойдаланиш маданияти ҳамда электрон китоблар ҳисобатан босма нашрдаги асарларни ўқиш афзалликлари хусусида фикр юритилди.

### АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ ҚОНДИРИЛМОҚДА

Таъкидлаш жоизки, вилоят тижорат банклари томонидан бугунги кунда мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Аммо ҳанузгача чекка ҳудудларда яшовчи юртдошларимиз амалиётга жорий қилинган замонавий банк хизматлари, омонатларни мобил илова орқали бошқариш усуллари, тез ва қулай тарзда ажратилаётган кредитлар ҳақида етарлича маълумотга эга эмас. Натижанда улар баъзи муаммоларга дуч келмоқда.

Шу боис биз жойлардаги доимий учрашувларда банк хизматлари бўйича маълумотларни етказишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Сэйёр қабул давомида ҳам фуқаролар чакана савдо, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш учун имтиёзли кре-

дирони асосида вилоят банклари томонидан бугунги кунгача 242,8 млрд. сўм имтиёзли кредит ажратилди. Шу жумладан 2019 йил бошидан буён 126,9 млрд. сўм имтиёзли кредитлар тақдим этилди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармон ҳамда 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3856-сонли қарорига асосан тижорат банклари томонидан жами 4,3 млрд.сўм кредит ажратилди. Бу маблағлар ҳисобига эса юзлаб янги иш ўринлари ташкил этилиб, аҳоли турмуш фаровонлигига эришилмоқда.

**Музаффар ИШОНХОДЖАЕВ,**  
Марказий банкнинг  
Наманган вилояти бош  
бошқармаси бош ҳисобчиси

# “TURKISTON” хусусий акциядорлик тижорат банки

Рўйхат рақами: ЎзР МБНИна 2017 йил 21 октябрдаги 57-сонли лицензияси.

Юридик манзили: 100208, Тошкент ш., Учтепа тум., 11-мавзе, Заргарлик кўч., 48А

## Молиявий ҳолат тўғрисида йиғма ҳисобот

2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра

(Минг сўмда)

Моддалар	2018 йил 31 декабрь	2017 йил 31 декабрь
<b>АКТИВЛАР</b>		
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	44 064 546	72 176 965
Бошқа банклардаги маблағлар	8 205 801	13 084 241
Мижозларга кредит ва бўнақлар:	384 077 808	136 847 838
Манфий: эҳтимолий зарарлар бўйича захиралар	(2 860 311)	(1 320 840)
Мижозларга соф кредит ва бўнақлар	381 217 497	135 526 998
Қарамоғдаги ҳўжалик жамиятларига инвестициялар	40 000	540 500
Асосий воситалар (соф баланс қиймати бўйича)	58 290 458	8 370 033
Номоддий активлар (соф баланс қиймати бўйича)	409 840	500 907
Солиқ талаблари	577 609	613 890
<b>Бошқа активлар</b>	<b>55 113 486</b>	<b>46 241 143</b>
<b>ЖАМИ АКТИВЛАР</b>	<b>547 919 237</b>	<b>277 054 677</b>
<b>МАЖБУРИЯТЛАР</b>		
Мижозлар маблағлари	352 821 333	154 098 623
Бошқа банклар маблағлари	83 423 804	81 764 059
Солиқ мажбуриятлари	905 340	758 164
Бошқа мажбуриятлар	2 460 042	829 591
<b>Жами мажбуриятлар</b>	<b>439 610 519</b>	<b>237 450 437</b>
<b>ХУСУСИЙ САРМОЯ</b>		
Устав капитали	101 199 634	32 284 034
Захира сармоя ва жамғармалар	1 932 255	1 677 255
Қайта баҳолаш бўйича захира	2 993 381	2 993 381
Тақсимланмаган фойда	2 183 448	2 649 570
<b>ЖАМИ ХУСУСИЙ САРМОЯ</b>	<b>108 308 718</b>	<b>39 604 240</b>
<b>ЖАМИ МАЖБУРИЯТ ВА ХУСУСИЙ САРМОЯ</b>	<b>547 919 237</b>	<b>277 054 677</b>

## Хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги жамланма ҳисобот

2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра

(Минг сўмда)

Моддалар	Устав капитали	Захира сармоя ва жамғармалар	Қайта баҳолаш бўйича захира	Тақсимланмаган фойда	Сармоядаги жами ўзгаришлар
2017 йил 1 январь ҳолатига кўра қолдиқ	23 259 340	1 217 254	2 993 381	2 828 001	30 297 976
Акциялар эмиссияси	4 461 804	—	—	—	4 461 804
Капиталлаштирилган дивидендлар	4 562 890	—	—	(4 562 890)	—
Тўланган дивидендлар	—	—	—	(127 340)	(127 340)
Захира сармояга тушумлар	—	230 001	—	(230 001)	—
Имтиёзли кредитлаш жамғармаси	—	230 000	—	(230 000)	—
Қайта баҳолаш бўйича захира	—	—	—	—	—
Ҳисобот йилидаги умумий даромад	—	—	—	5 110 383	5 110 383
<b>Бошқалар</b>	—	—	—	(138 583)	(138 583)
2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ	32 284 034	1 677 255	2 993 381	2 649 570	39 604 240
Акциялар эмиссияси	62 728 681	—	—	—	62 728 681
Капиталлаштирилган дивидендлар	6 186 919	—	—	(6 186 919)	—
Тўланган дивидендлар	—	—	—	(933 343)	(933 343)
Захира сармояга тушумлар	—	255 000	—	(255 000)	—
Имтиёзли кредитлаш жамғармаси	—	—	—	—	—
2018 йил якуни бўйича мукофот тўлови	—	—	—	(177 000)	(177 000)
Қайта баҳолаш бўйича захира	—	—	—	—	—
Ҳисобот йилидаги умумий даромад	—	—	—	7 086 140	7 086 140
<b>Бошқалар</b>	—	—	—	—	—
2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ	101 199 634	1 932 255	2 993 381	2 183 448	108 308 718

## Фойда ёки зарарлар ва бошқа ялли даромад тўғрисидаги йиғма ҳисобот

2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра

(Минг сўмда)

Моддалар	2018 йил	2017 йил
Фоишли даромадлар	45 645 421	18 649 050
Фоишли харажатлар	(22 095 378)	(8 140 826)
<b>Соф фоишли даромадлар</b>	<b>23 550 043</b>	<b>10 508 224</b>
Кредитларнинг қадрсизланиши бўйича захиралар	(1 539 920)	(1 712 852)
Кредитларнинг қадрсизланиши бўйича захирадаги ўзгаришдан кейинги соф фоишли даромадлар	<b>22 010 123</b>	<b>8 795 372</b>
Воситачилик даромадлари	11 269 217	9 762 865
Воситачилик харажатлари	(3 224 448)	(2 400 144)
Валютали амалиётлардан олинган соф фойда / (зарар)	332 583	2 375 358
Бошқа фоишсиз даромадлар	2 097 943	991 713
Бошқа фоишсиз харажатлар	(102)	—
<b>Операцион харажатларга қадар олинган соф фойда</b>	<b>32 485 316</b>	<b>19 525 164</b>
Операцион харажатлар	(22 711 707)	(13 313 586)
<b>Солиқ ундирилгунига қадар фойда</b>	<b>9 773 609</b>	<b>6 211 578</b>
Эҳтимолий зарарлар захирасини баҳолаш	—	(91 461)
<b>Даромад (фойда) солиғи тўлангунга қадар олинган соф фойда</b>	<b>9 773 609</b>	<b>6 120 117</b>
Даромад (фойда) солиғини баҳолаш	(2 687 469)	(1 009 734)
<b>Йиллик соф фойда</b>	<b>7 086 140</b>	<b>5 110 383</b>
<b>Бошқа умумий йиллик даромад</b>	<b>—</b>	<b>—</b>
<b>Жами умумий йиллик даромад</b>	<b>7 086 140</b>	<b>5 110 383</b>
Ҳар бир акцияга тўғри келадиган базавий фойда (сўмда)	132,92	171,70

## Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги жамланма ҳисобот

2018 йил 31 декабрь якунланган йил учун

(Минг сўмда)

Моддалар	2018 йил	2017 йил
Операцион фаолиятдаги пул маблағлари ҳаракати		
Олинган фоишлар	42 378 323	18 398 636
Тўланган фоишлар	(22 205 550)	(8 031 587)
Олинган воситачилик ҳақлари	11 350 062	9 682 020
Тўланган воситачилик ҳақлари	(3 224 448)	(2 400 144)
Олинган дивидендлар	16 398	16 976
Ҳисобдан чиқарилган кредитларни қоплаш	1 744 028	116 360
Соф фоишсиз даромад	337 415	858 377
Ҳодимлар таъминоти учун тўланган харажатлар	(10 606 149)	(7 144 498)
Тўланган Бошқа операцион харажатлар	(10 085 151)	(4 822 603)
Тўланган фойда солиғи	(2 765 169)	(1 083 219)
<b>Операцион активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришлардан олдинги операцион фаолиятдаги пул маблағлари оқими</b>	<b>6 939 759</b>	<b>5 590 318</b>
<b>Операцион активлардаги соф (кўпайиш) камайиш</b>		
Бошқа банклардаги маблағлар	4 878 440	255 141
Мижозларга кредит ва бўнақлар	(247 229 970)	(52 570 875)
Бошқа активлар	(8 692 970)	(38 774 107)
<b>Операцион мажбуриятлардаги ўзгаришнинг кўпайиши (камайиши)</b>		
Мижозлар маблағлари	198 722 710	44 277 286
Бошқа банклар маблағлари	1 659 745	70 667 271
Бошқа мажбуриятлар	1 777 627	(503 247)
<b>Операцион фаолиятдаги соф пул маблағлари ҳаракати</b>	<b>(41 944 659)</b>	<b>28 941 787</b>
<b>Инвестицион фаолиятдаги пул маблағлари ҳаракати</b>		
Қарамоғдаги, шўъба ҳўжалик жамиятларининг харид қилиниши ёки чиқариб юборилиши	500 500	(500 000)
Асосий воситалар ва номоддий активларнинг харид қилиниши	(51 486 839)	(5 755 396)
Асосий воситалар ва номоддий активларнинг чиқариб юборилиши	587 393	2 531 041
<b>Инвестицион фаолиятдан олинган соф пул маблағлари ҳаракати</b>	<b>(50 398 946)</b>	<b>(3 724 355)</b>
<b>Молиявий фаолиятдаги пул маблағлари ҳаракати</b>		
Акцияларнинг эмиссияси	62 728 681	4 461 804
Тўланган дивидендлар	(933 343)	(127 340)
Молиявий фаолиятдан олинган соф пул маблағлари ҳаракати	61 795 338	4 334 464
Валюталар айирбошлаш курсидаги ўзгаришларнинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига таъсири	2 435 848	871 154
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларининг соф кўпайиши (камайиши)	(28 112 419)	30 423 050
Йил бошидаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	72 176 965	41 753 915
Йил якунидаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	44 064 546	72 176 965

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги "PKF MAK ALYANS" МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 30 январдаги 00531-сонли лицензияси) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2018 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик ҳулосасида бор.

Хизматлар лицензияланган.


Жаҳон иқтисодиётининг йиллик ўсиш суръати 2018 йилга нисбатан 2019 йилда 3,5 фоизга, 2020 йилда 3,7 фоизга қадар пасайиши башорат қилинмоқда. Бу ҳақда глобал бозорлар борасида тадқиқот олиб борилаётган Англиянинг "Euromonitor International" компанияси ўз ҳисоботида маълум қилган.

### Жаҳон иқтисодиёти шарҳи – 2019 йил февраль

Бундай вазият юзага келишининг асосий сабаби иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар, шу жумладан, Америка ва Евроҳудуд мамлакатларида кузатилаётган сустрлашув билан боғлиқ, деб ҳисобланмоқда. Шунингдек, айрим ривожланаётган мамлакатлар, жумладан Мексика ва Россияда ҳам иқтисодий сустрлашув ҳолати қайд этилган.

Ривожланган мамлакатларнинг реал ЯИМ кўрсаткичлари 2019 йилда 2 фоиз ва 2020 йилда 1,7 фоиз ўсиши башорат қилинмоқда. 2018 йилда эса ўсиш суръати 2,3 фоизни ташкил қилган эди. Кутилаётганидек, 2019 йилда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ўсиш суръати нисбатан барқарор, яъни 4,6 фоиз даражада ва 2020 йилда 4,7 фоизга ўсиши мумкин. 2018 йилда бу кўрсаткич 4,6 фоизга тенг бўлган эди.

Ҳисоботда 2019 йилда жаҳон савдосининг ўсиши глобаллашув оқибатлари ва сиёсий низолар кучайиши боис бирмунча нимжонлашади.



Яқиндагина молиявий активлар нархининг пасайиши 2019 йилда рецессия таваккалчилигини юзага келтириши мумкин. Асосий глобал таваккалчиликлар савдо урушида мавҳумликнинг сақланаётгани, молиявий шароитларнинг кескинлашуви ва Хитой иқтисодий ўсиш суръатининг кутилганидан кўра сустрлашуви билан боғлиқ.

Шунингдек, Евроҳудуд истиқболи ҳам Вреxitнинг ҳаракатсизлиги ҳамда Италиянинг фискал сиёсати оқибатида номаълумлигича қолмоқда. Нефть нархининг пасайиши ва Лотин Америкасида машҳурликка интиладиган етакчиларнинг юзага келиши ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига янада таъсир кўрсатиши мумкин.

Савдо ва сиёсий мавҳумликнинг ёмонлашиши қаторида қисқа муддатларда солиқларнинг қисқариши Euromonitor

International ҳисоботида АҚШнинг реал ЯИМ кўрсаткичи ўсишига оид башорат куйидагича бўлди: 2019 йилда АҚШ ЯИМ кўрсаткичи 2,4 фоиз, 2020 йилда 1,7 фоизга тенг бўлиши мумкин.

2018 йил охирида кузатилган салбий кўрсаткичлар Евроҳудуд бўйича башоратга ҳам таъсир кўрсатди. Унга кўра, ҳудуд реал ЯИМ кўрсаткичи 2019 йилда 1,7 фоиз ва 2020 йилда 1,6 фоизга етиши мумкин.

Буюк Британия истиқболини Вреxit туфайли жиддий номаълумлик кутмоқда. "Биз асосий ЯИМ реал ўсиш даражасини 2019 йилда 1,5 фоизлигича қолдирдик. 2020 йилда бу кўрсаткич 1,4 фоизга тўғри келиши мумкин", - дейилади Euromonitor International ҳисоботида.

Жаҳон миқёсида талабнинг пасайиши ва Хитой ҳамда Америка ўртасидаги савдо уруши ҳанузгача Япония иқтисодиётига таъсир кўрсатиб келиб, учинчи чоракда ЯИМ ўсиши сустрлашди. Euromonitor International мамлакат ЯИМ реал кўрсаткичи 2019 йилда 0,6 фоиз ва 2020 йилда ҳам 0,6 фоизга тушишини тахмин қилди.

Хитой ички талабнинг камайишига оид ўсиб бораётган хавфга дуч келмоқда. Шунингдек, Америка билан юзага келган савдо урушида зарар кўрмоқда. "Ҳозирги кунда биз Хитойнинг ЯИМ кўрсаткичи 2019 йилда 6,1 фоиз ва 2020 йилда 5,9 фоизга ўсишига оид башоратни эълон қилмоқдамиз", дейилади ҳисоботда.

Бразилия бизнесига бўлган ишонччи ошириш – янги президентнинг ислохотлари асосини ташкил этди. Ҳукуматдан аниқ ҳаракатларни кутган ҳолда Бразилия ЯИМ кўрсаткичи 2019 йилда 2,2 фоиз, 2020 йилда 2,4 фоизга ўсиши тахмин қилинмоқда.

Экспортнинг сустрлашуви, паст ички талабнинг юзага келиши ва нефть нархининг арзонлашиши туфайли Россиянинг иқтисодий ўсишида ижобий ўзгариш кутилмаслиги мумкин. 2019-2020 йилларда мамлакат реал ЯИМ ўсиши 1,3 фоиз ва 1,4 фоизни ташкил қилади.

Ҳиндистон иқтисодиёти 2018 йилнинг учинчи чорагида хусусий истеъмол ва соф экспортнинг ортиши боис бирмунча сустрлашган. Euromonitor International фикрига кўра, Ҳиндистон реал ЯИМ кўрсаткичи 2019 йилда 7,4 фоиз ва 2020 йилда 7,5 фоизга тенг бўлиши мумкин.

### АҚШ президентлигига номзодлардан бири монополияга қарши

Америкада сенатор ва АҚШ президентлигига номзодлардан бири Элизабет Уоррен Facebook, Google, Amazon ва Apple сингари технологик компанияларни ноҳалол рақобатни қўллаб-қувватлашда айбламоқда.



Уоррен сўнги 40 йил давомида АҚШда қайд этилган бирлашув ва қўшилувларни қайта кўриб чиқишни тавсия этди. Йирик технологик компаниялар Америка иқтисодиётида монопол ва олигопол сиёсат ҳукмронлигини англатади, деган фикрда.

Бугунги кунда монопол ҳокимиятнинг кучайиши даромадларнинг туб фарқланиши, ишчиларнинг вазияти ёмонлашгани ва инновациялар суръати пасайишига олиб келмоқда. Хитойдан ташқари барча давлатларда бу катта муаммо учраб турибди. Сабаби, Американинг технологик монополиси қисқа фурсатлардаёқ бозорда етакчи ўринни эгаллашга эришмоқда. Хусусан, ЕИ технологик тармоқни тартибга солишга ҳаракат қилмоқда. Яқинда Буюк Британияда Барак Обаманинг бош иқтисодчи Жейсон Фурман бошчилигидаги мутахассислар гуруҳи ташкил этилди. Фурман технологик тармоқдаги вазият ҳақидаги фойдала ҳисоботни тайёрлади.

Тармоқдаги муаммолар бартараф этилмаса, Америка ташқи сиёсатида ҳам таваккалчиликлар юзага келиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлар ҳам учраб туради. Мазкур муаммони бартараф этишдан аввал давлатнинг масалани ҳал этишдаги ўрни, Хитойдек йирик давлат билан рақобатлаша олиши сингари муҳим масалаларни ҳал этишга тўғри келади. Мамлакат ҳукумати ўз фуқароларига тегишли маълумотларни жамлаш мақсадида маҳаллий технологик компанияларни ишга солади.

Уоррен ўз нутқида ҳатто "ўргимчак тўри" орқали кўрсатилаётган айрим хизматлар бепул бўлиши шубҳа уйғотишини маълум қилганди. Айнан унинг бу фикри кўпчилик инсонлар томонидан қатъий қарши олинди. Уорреннинг фикрича, қарийб 15 йил илгари айнан молия ва темир йўл тармоқлари мана шундай чигалликларга тўла бўлган. Ўз вақтида "Atlantic" нашрида фаол фуқаро Генри Демарест Ллойд огоҳлантирганидек, "Темир йўл муаммосини қандай ҳал этишимиз сиёсий манфаатларимиз миқёси ва сифатини белгилаб беради. Бу эса келажакдаги ижтимоий ва сиёсий ўсишимизга таъсир кўрсатади. Шунингдек, бу орқали Америкадаги демократияга ҳам баҳо берса бўлади. Эркин мунозара қилиш орқали ҳар қандай масалани ҳал қилиш имконидан самарали фойдаланишимиз лозим".

Ллойднинг фикри ҳанузгача ўз долзарблигини йўқотмаган. Бугунги кунда технологик гигант компанияларни тартибга солиш бўйича фикрлар ҳам ҳали хомаки ғоялардир. Бунинг учун янада жиддий таҳлил ўтказишга тўғри келади. Биринчи навбатда масалага оид очиқ, ахборотларга тўла мунозараларни уюштириш керак. Уоррен социализмни қилганда ёки киритмаслик ҳақида эмас, балки капиталистик рақобат янада соғлом ва кучли бўлиши зарурати ҳақида таъкидламоқда.

### "Brexit"дан сўнг Германияда 5 минг янги иш ўрни яратилади

Германия хорижий банклар уюшмаси яқин 1-1,5 йил давомида Буюк Британиянинг Европа Иттифоқи таркибидан чиқиши туфайли аъзо мамлакатларга тегишли институт ва уюшмаларда 5 мингга яқин янги иш ўрни яратилиши мумкин, деб ёзади Reuters агентлиги.

Германияда Ногерман банкларни ёқловчилар уюшмаси эса Франкфуртда ўтказилган тадбирда таъкидлаганидек, гарчи институтлар Вреxit ташкил этилишига жиддий тайёргарлик кўрилаётган бўлса-да, барча институтлар ҳам

тўлиқ ишлаб кетишига ишониб бўлмайди. Уюшма вакилининг қўшимча қилишича, деярли 50 га яқин молиявий ташкилотлар ўз фаолиятларини Германияда давом эттиришни режалаштирмоқда.

"Вести.Экономика" нашрида



ёзилишича, Германия саноати федерацияси (BDI) аввалроқ Буюк Британия Европа Иттифоқидан чиқиб кетган тақдирда Германия иқтисодиёти жорий йилда 0,7 фоизга ўсишини башорат қилганди.

– Буюк Британия иқтисодиёти жиддий иқтисодий зарар кўриб келмоқда, – деди BDI раҳбари Дитер Кемпф. Унинг фикрича, "қатъий" Вреxit 2019 йил Германия иқтисодий ўсиш суръатини камида 0,5 фоизга қисқаришига сабаб бўлади. Айни пайтда федерация аввалроқ Германия иқтисодиёти жорий йилда 1,2 фоиз ўсишини тахмин қилганди.

## ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Куйлаганда бахшилар,  
бахра олар яхшилар

Ўзбек бахшичилик ва дostonчилик санъатининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида ушбу санъат турига ҳурмат ва эътибор туйғуларини кучайтириш, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йил 1 ноябрь куни “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарор қабул қилиниб, унда фестиваль тадбирлари орасида мазкур соҳа олим ва амалиётчиларининг ижодий учрашувини уюштириш зарурлиги белгилаб берилди. Шу муносабат билан жорий йил 6-7 апрель кунлари Термиз давлат университетида “Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди.



Конференциядан асосий мақсад – бахшичилик ва дostonчилик санъатини ривожлантириш, бахши-шоир, оқин ва жировлар ижодининг Шарқ ва Ғарб маданияти ҳамда санъатидаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, ўзбек ҳамда бошқа халқларнинг дostonларини илмий ўрганиш, бу борада ўзаро ижодий ҳамкорлик қилиш, маданий-маънавий алоқаларни халқаро миқёсда кенгайтиришдан иборатдир.

Конференция ишида бахшилик ва дostonчилик санъати йўналишида илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб бораётган олим ва мутахассислар, шу жумладан, 15 та хорижий мамлакатдан ташриф булурган меҳмонлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Икки кунлик конференцияда дастлаб 9 та мамлакат олимларининг

маърузаларини ўз ичига олган ялпи мажлис бўлиб ўтди. Унда “Бахшиларнинг эстетик қарашлари” (Тўра Мирзаев – Ўзбекистон Фанлар академияси академиги), “Марказий Осиёда номоддий маданий мерос муҳофазаси бўйича халқаро ҳамкорлик: минтақада ICHCAP билан муштарак ишлар мисолида” (Сеонг Йонг Пак – ЮНЕСКО ICHCAP маркази ходими, Корея), “Жангарчи – “Жангар” қалмик қаҳрамонлик дostonи айтувчиси, сақловчиси ва оммалаштирувчиси” (Василий Илларионов – “Монгол халқлари маданий мероси” халқаро илмий маркази директори, филология фанлари доктори, профессор (Россия)), “Туркий эпосда дoston айтиш санъатининг бадий ва вақтга оид контексти” (Шакир Ибраев – Л.Н.Гумилев номидаги Евросий миллий университети профессори (Қозғоғистон),

“Мўғул ва ўзбек тилларидаги эпосларнинг терминологик томонлари” (Айушжав Алимаа – Мўғулистон Фанлар академияси Оғзаки адабиёт тадқиқот институти раҳбари, маданиятшунослик фанлари доктори), “Номоддий маданий мерос муҳофазаси бўйича конвенция рўйхатлари эпик мероси: Ўзбекистон эпик мерос элементлари” (Меҳмет Ужал Уғуз – Туркиянинг ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссияси аъзоси, профессор), “Қирғиз элининг айтишув санъати” (Абдиллажан Акматалиев – Қирғизистон Республикаси Фанлар академияси Ч.Айтматов номидаги Тил ва адабиёт институти директори), ““Подшоҳ ва Лала ёки Даҳрил ва Зюфрем” гагауз дoston эпоси тиллаши” (Занет Федр, академик (Молдова)), “Тожиқларнинг эпик ижоди: ҳозирги ҳолати, сақлаш ва ривожланиш муаммолари” (Кароматулло Раҳимов – Т.Сатторов номидаги Тожиқистон Миллий консерваторияси Муслиқ тарихи ва назарияси кафедраси мудири, санъатшунослик фанлари номзоди) каби маърузалар тингланди.

Сўнгра “Бахшилик аънаъаси тарихи, назарияси ва ижрочилик маҳорати”, “Эпос – халқ маънавий меросининг дурдонаси сифатида”, “Бахшичилик санъатининг ҳозирги ҳолати ва уни сақлаш муаммолари”, “Эпик мерос этномусиқашунослик контекстида” номли 4 та шўбада йиғилишлар бўлиб ўтди.

Уйлаймики, ушбу илмий-амалий конференция бахшичилик ва дostonчилик санъатининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида ушбу санъат турига ҳурмат ва юксак эътибор туйғуларини кучайтириш ҳамда дунё халқлари ўртасида халқаро маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

**Ваҳобжон ЎРОЗБОВЕВ,**  
республика маданият  
муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази  
директори ўринбосари  
Термиз.

МЕҲРИБОН ВА  
КАМТАРИН УСТОЗ

Ҳаётда шундай инсонлар борки, бутун умрини ўз касбига бахшида этиб, юрт ривожини учун тинимсиз меҳнат қилади, изланади, интилади. Шу боис, бундай меҳнатсевар инсонлар эл ичида доим ҳурматга сазовор бўлади.



Ана шундай ўз касбининг жонкуяри, эл-ардоғидаги инсонлардан бири АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” тизимининг тажрибали устози Амир Закиров эди. У киши олтимиш йил давомида банк тизимида фаолият юритиб, унинг ривожини учун муносиб ҳисса қўшди, юзлаб шогирдлар етиштирди. Афсуски, тақдир уни шу йилнинг 3 апрелида 85 ёшида орамиздан олиб кетди.

А.Закиров 1958 йили Тошкент молия иқтисодиёт институти (ҳозирги Тошкент давлат молия институти)ни пул муомаласи ва кредит мутахассислиги бўйича таълим олиб, ўз фаолиятини Давлат банкида кредит назоратчиси вазифасидан бошлади. Кейинчалик у банк соҳасида турли масъул лавозимларда, шу жумладан, Давлат банкнинг Пскент, Бўстонлик, Тўйтепа, Ҳамза бўлимлари бошқарувчиси лавозимларида фаолият юритди. Мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси операция марказининг бошлиғи, ҳисоб-китоб касса маркази директори ҳамда ҳозирги кунга қадар эса бир қатор тижорат банкларининг турли лавозимларида муносиб хизмат қилди.

Амир Закиров қаерда ишлагани, ўзининг меҳнатсеварлиги ва тиришқоқлиги, ҳалоллиги билан барчага ўрناк бўларди. Айниқса, истиқлолнинг илк йилларида у миллий валютанизмни муомалачи ва чиқаришда ўзининг юксак ташкилотчилик ва ташаббускорлик қобилиятини намойиш этди. Унинг кўп йиллик бу каби самарали хизматлари ҳамда республикамиз ривожига қўшган ҳиссаси учун давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Жумладан, кўплаб фахрий ёрликлар ҳамда “Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги” эсдалик нишони билан мукофотланди.

Амир Закиров ўзининг сўнгги кунларида қадар банк тизимида самарали фаолият юритгани боис, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳа ва тармоқларида хизмат қилиб келаётган кўплаб раҳбар ходимлар, банк-молия мутахассислари ҳақли равишда ўзларини у кишининг шогирдлари деб ҳисоблайдилар.

Банк тизимининг фахрий, меҳрибон устози, камтарин инсон Закиров Амир Сабировичнинг хотираси қалбимизда ҳамيشа сақланиб қолади.

**АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”**  
Бошқаруви ҳамда жамоаси

## ДОНОЛАР БИСОТИДАН

## Соҳибқирон Амир Темури ўғитлари

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, аъза қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

Юз минг отлик аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.

Азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун зехним, вужудим билан боғланиб, битирмагунча ундан қўлимни тортмадим.

Давлату салтанат уч нарса билан: мулк, хазина ва лашкар билан тикдир. Доно вазир буларнинг ҳар учаласини тадбиркорлик билан яхши аҳволда, саранжом тутди.

Қилмоқчи бўлган ишларини қилмасдан қолдирмасинлар. Агар бирор ишни қилмасликка сўз берар эканлар, ярқинга ҳам йўлмасинлар. Хотирдан чикмасинки, Тангри толо жасур кишиларни ардоқлайди.

“Амир Темури ўғитлари” китобидан

## БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

“Norma Hamkor” МЧЖ

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ

Бобур МУҲАММАДИЕВ

Реклама ва маркетинг хизмати

Тел: 99897 776 60 18

71 232 45 32

Факс: 71 232 43 98

Нашр индекси-102.

Ахборот кўмағи

Ўза

Тахририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси,

23-й е-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,

www.banknews.uz телеграм каналимиз

@bank\_axborotnomasi

Чоп этишга тайёрловчи “Moliya yangiliklari

agentligi” МЧЖ Газета тахририятнинг техник уску-

наларида саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан “Банк ахборотномаси” да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ихозат берилди. Қўлёзмалар тақризд қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Мабуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта — пайшанба кунни чиқади.

Буюртма № г 403

Адади 2043 нусха

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 2 шартли босма табақда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 10.04.2019 й.,

12345

“Шарк” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-ўй.